



Ishonch

Моҳият

Одамнинг иродаси,
дунёқараш
мустаҳкам бўлиши
учун унинг ҳаётга,
эртанги кунга,
ўзининг куч ва
имкониятларига
ишончи мустаҳкам
бўлиши керак.

Ислом КАРИМОВ

Ўзбекистон касба uyushmalari Federatsiyasi nashri

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqq boshlagan

Давра суҳбати

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) билан ҳамкорликда «Омбудсман, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ва бошқа жамоат ташкилотларининг фуқаролик жамиятини барпо этишдаги ўрни» мавзусида давра суҳбати ўтказди.



Кўлни кўлга бериб

Давра суҳбатида Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили Сайёра Рашидова, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси раиси Элмира Баситханова, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Танзила Нарбаева, «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси Анвар Аҳмедов, Фуқаролик жамиятини шакллантиришни мониторинг қилиш мустақил институти директори Эркин Салатов, Нодавлат нотижорат ташкилотлари Миллий ассоциацияси раиси Абдумажид Каримов, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вакиллари, олимлар, жамоат арбоблари иштирок этди. Ийғилганлар Президент Концепциясининг фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантиришга бағишланган қисмида белгилаб берилган вазифаларни амалга ошириш юзасидан фикр алмашдилар.

Давра суҳбатини Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили Сайёра Рашидова очди. Унда Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси раиси Элмира Баситханова кўмитанинг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлиги тўғрисида маъруза қилиб, мамлакатимизда нодавлат нотижорат ташкилотларининг роли охири бораётгани, ҳукуматимиз томонидан яратиб берилаётган шарт-шароитлар ҳақида атрафлича сўз юритди. Шунингдек, маърузачи мамлакат тараққиётига аёлларнинг салмоқли ҳисса қўшаётгани, йил сайин тadbirkor аёллар сонининг охири бораётгани, аёллар ва болалар орасида турли касалликларнинг олдини олиш мақсадида кўплаб ишлар қилинаётгани, бу борада Омбудсман, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорлик қўл келатганини таъкидлади.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Танзила Нарбаева касба уюшмаларининг ижтимоий шериклик доирасида давлат ҳокимияти органлари, тadbirkorлик ва ишлаб чиқариш субъектлари билан биргаликда амалга оширилаётган ишлари тўғрисида ахборот бериб, жумладан, қўйидагиларни баён этди.

— Фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида мамлакатимизда кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бунда нафақат давлат ҳокимияти органлари, жамоат ташкилотларининг ҳам ўзига хос ўрни бор. Концепцияда кўрсатилган масалаларни амалга ошириш мақсадида ННТлар, жумладан, касба уюшмалари фаолларининг бевосита иштирокида «Ижтимоий шериклик тўғрисида» қонун лойиҳасининг яратилиши катта ижтимоий аҳамиятга эга бўлди. Айтиш жоизки, бу қонун лойиҳаси қабул қилинганда ўтириб яратилгани йўқ. Ҳар бир вилоятда икки мартадан жамоат ташкилотлари, давлат ҳокимияти, ҳуқуқ-тартибот идоралари масъул ходимлари иштирокида давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказилди. Улардан тушган мингlab таклифлар ўрганиб чиқилиб, лойиҳага татбиқ этилди. Касба уюшмалари Федерацияси, Республика Ҳукумати ҳамда Савдо-саноат палатаси ўртасида имзоланган Бош келишув эса касба уюшмалари фаолиятининг асосий мезонига айланган. Шунингдек, Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) билан Касба уюшмалари ўртасида «Қонунийликни таъминлаш ва фуқароларнинг меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш борасида ҳамкорлик тўғрисида»ги икки томонлама Битим имзоланган. Битим доирасида қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда. Касба уюшмалари меҳнаткаш аёллар манфаатини ҳимоя қилишни асосий вазифаларидан бири деб ҳисоблайди. Корхона ва ташкилотларда тузиллаётган ҳар бир жамоа шартномасида бу ўз ифодасини топади. Уларнинг керакли иш шароитига эга бўлиши, муносиб дам олиши учун имконият яратилишмоқда. Шунингдек, касба уюшмалари аёллар ўртасида тadbirkorликни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратган. Уларга кредитлар ажратилиш тизими йўлга қўйилган.

Давра суҳбати доирасида Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси билан Омбудсман ўртасида хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ҳамкорликда мониторинглар ўтказиш, аёллар манфаатларига дахлдор қонун ҳужжатларини муҳофаза қилиш, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси кенгаши ўртасида аёлларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, иш шароитларини янада яхшилаш, улар ўртасида бандликни таъминлаш, Фуқаролик жамиятини шакллантиришни мониторинг қилиш мустақил институти ўртасида аёлларнинг ижтимоий ҳаётдаги ролини ошириш, Нодавлат нотижорат ташкилотлари Миллий ассоциацияси ўртасида аёлларнинг жамоатчилик уюшмаларини кўлаб-қувватлаш, уларга амалий ёрдам кўрсатиш, «Маҳалла» жамғармаси ўртасида аёлларнинг оиладаги ўрнини мустаҳкамлаш масалаларига бағишланган битимлар имзоланди.

Улуғбек ИБОДИНОВ,
«Ishonch» мухбири,
Икром ҲАСАНОВ олган сурат

Кеча Урганч шаҳрида Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси кенгаши томонидан ИСЕМ Халқаро минтақавий касба уюшмалари Федерациясига аъзо ташкилотлар вакиллари иштирокида халқаро хотин-қизлар конференцияси ўтказилди. Анжуманда хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимояси ва улар учун яратилаётган меҳнат шароитлари ҳусусида сўз юритилди.



Кун тартибида хотин-қизлар масаласи

Халқаро конференцияда ИСЕМ Бош котиби Манфред Варда, ИСЕМнинг Хотин-қизлар комиссияси ишлари бўйича бош мутахассиси Кэррол Брюс, ИСЕМнинг Хотин-қизлар комиссияси раиси Евгения Осенина, ИСЕМнинг Шарқий Европа, Марказий Осиё ва Жанубий Кавказ бўйича минтақавий ташкилоти раиси Иван Мохначук, Озарбайжон, Россия ва Ўзбекистондаги аъзо ташкилотлар вакиллари иштирок этдилар.

Уни Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси кенгашининг Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси, ИСЕМнинг Шарқий Европа, Марказий Осиё ва Жанубий Кавказ бўйича минтақавий ташкилоти Хотин-қизлар кўмитаси раиси Мавжуда Халилова олиб борди.

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Танзила Нарбаева иштирокчилар ва хорижий меҳмонларни мамлакатимизда давлатимиз раҳбари бошчилигида амалга оширилаётган кенг қамровли кучли ижтимоий ҳимоя йўналишидаги ишлар билан ақиндан таништирди.

— Ўзбекистон Мустақилликнинг илк кунлариданоқ ҳуқуқий демократик давлат куриш йўлидан бориб, иқтисодийнинг барқарор ривожланишига эришмоқда, — деди жумладан Т.Нарбаева. — Мамлакатда фуқаролик жамияти институтларининг самарали фаолият кўрсатиши учун барча шарт-

шароитлар мавжуд. Ўзбекистон Республикаси Президенти бошчилигида хотин-қизларнинг жамият ва оиладаги мавқеини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлаш, уларнинг меҳнат фаолиятларини фарзанд тарбияси билан уйғунликда олиб боришлари учун етарли даражада шароитлар яратиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилишнинг мустаҳкам ҳуқуқий негизи яратилганлиги муаммоларнинг ечимида қўл келатди.

Бугунги кунда мамлакатимизда 5 мингдан зиёд нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистон касба уюшмалари энг йирик ва оммавий жамоат ташкилоти бўлиб, 14 та ҳудудий, 11 та тармоқ касба уюшма ташкилотларига эга. Улар 7 миллионга яқин меҳнаткашларнинг манфаатларини ифода этмоқдалар.

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси кенгаши томонидан тизимда амалга оширилган тақомиллашув натижасида мамлакатимизда аҳолини кучли ижтимоий ҳимоялаш борасида олиб борилаётган ишларга ҳамоҳанг равишда меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимоясини кучайтириш, улар учун етарли иш шароитларини яратиш, саломатликларини мустаҳкамлаш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Ҳар йили жамоа

шартномалари ва келишувлари орқали республика бўйича 750 миң нафардан зиёд хотин-қизга қўшимча таътиллاردан фойдаланиш имконияти яратилаётди. Мактабгача тарбия ёшидаги фарзандлари бўлган 250 миң нафар аёлга қисқартирилган иш куни таъминланиб, моддий ёрдамлар кўрсатиб келинмоқда. 2 ёшдан 3 ёшгача бола парвариши таътилидаги 50 миң нафардан зиёд аёллар моддий ва маънавий ёрдамдан баҳраманд бўлмоқда.

Эътиборли жаҳати, бугунги кунда жамоа шартномалари орқали нодавлат секторидида фаолият кўрсатаётган 100 миң нафардан зиёд хотин-қиз ҳам юқорида таъкидланган имтиёزلардан фойдаланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси кенгаши ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ўртасида 2011-2013 йиллар учун имзоланган Бош келишув мазкур йўналишлардаги ишларни янги босқичга олиб чиқиш учун мустаҳкам замин яратди. Бугунги кунда Бош келишувдан келиб чиққан ҳолда жойлардаги жамоа шартномалари ва келишувларнинг мазмун-моҳияти янада бойитилиб, уларга хотин-қизлар ва ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимоясини кучайтиришга оид алоҳида бўлимлар киритилишига эришилмоқда.

(Давоми 2-бетда)

Уч

томонлама ҳамкорлик



Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида маҳаллий бюджет ҳисобидан 16-18 ёшга қадар боласи бор аёлларга 18724,1 млн. ва икки ёшгача боласи бўлган ишламайдиган оналарга тайинланган нафақа 24698,9 млн. сўмни ташкил этди. Кам таъминланган оилаларга 2276,7 млн.сўм, ёлғиз қарияларга озик-овқат маҳсулотлари учун 30,2 млн. сўм ажратилди. 23.620 нафар биринчи синф ўқувчилари ўқув анжомлари, 25.382 нафари эса киши кийим-кечаклар билан таъминланди. Утган даврда аҳолига 402,5 миң квадрат метр уй-жой қурилиб, 150,1 км. ичимлик суви, 48,5 км. газ тармоқлари тортилди.

2-бет

Бетакрор ва боқий Бухоро



Мустақиллик йилларида вилоятда улкан иншоотлар, корхоналар, маданий-маиший объектлар ва кўлаб бинолар қурилди. Улар орасида «Кўҳна ва боқий Бухоро» маданий марказининг салобати, нуфузи ўзгача. Юртбошимиз ташаббуси ва ғояси асосида 107 гектар ҳудудда барпо этилган гўзал мажмуа қадимий ва навқирон шаҳарга узукка кўз қўйгандек ярашди.

3-бет

Шижоат ва ирода намойиши



— Ёшлигимдан велоспортга қизиққан, — дейди Ўзбекистон велоспорт терма жамоаси аъзоси, «Энг ёши катта спортчи» номинацияси ғолиби, 73 ёшли Виктор Клименко. — Велоспорт кишидан катта куч ва маҳорат талаб қилиши билан ажралиб туради. Юртимизда бу спорт турига алоҳида эътибор берилаётганлиги замирида ҳар томонлама соғлом, теран фикрлайдиган баркамол авлодни шакллантиришдек эзгу мақсад муваффақ бўлмасам, десам асло янглишмаган бўламан.

4-бет

Урқач қирлар орасидаги қишлоқда янги тиббиёт маскани барпо этилиши ҳақидаги хушxabар бар бир зумда овоза бўлди. Миш-миш тезда ҳақиқатга айланди. Уч ой даганд кўркам бино фойдаланишга топширилди.

Мукофотланганлар ҳақида ҳикоя қиламиз

Камарбаста

оналар ўлими кузатилмади. Утган йилларда туғилиш, умумий ўлим коэффициенти туман кўрсаткичига нисбатан яхшиланди. Қишлоқ врачлик пункти «Саломатлик - II» лойиҳаси асосида замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланган.

ҚВП атрофини ободонлаштириш бироз муаммо туғдирди. Қишлоқнинг юқори қисмида жойлашгани боис маскани сув билан таъминлаш қийин эди. Ишчан раҳбар тоғдан булоқ сувини келтириш орқали муаммони ҳал этиш таклифини ўртага ташлади. Қишлоқнинг ёшу қариси хайрли ташаббусни қўлаб-қувватлаб, олис масофага кукур тортилди.

— Сув олиб келгач, жамоамиз билан боғ яратдик, — дейди Иноят Аркаев. — Муъжаз боғимиз ҳосилга кирган. Олманинг ўндан ортқ тури, 6-7 хил ўрик, олча, гилос, тут, жийда, хул-

лас, 20-30 хилдаги мевали дарахтларни парварлашди. Врачлик пунктидада стационар тарзда қундузги ётиб даволанувчиларга лаззатли шарбатлар тайёрлаб берамиз.

Уттиз икки йилдан буён масъулятли ва шарафли касбни ардоқлаб келатган шифокорнинг меҳнати давлатимиз томонидан муносиб баҳоланди. Қўшработ туман Қовунчи ҚВП мудири Иноят Аркаев 2004 йилда 2-даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан тақдирланган бўлса, Истиқлолнинг 20 йиллик тантаналари арафасида Президентимиз Фармони билан «Меҳнат шўхрати» орденига сазовор бўлди. Қўли енгил шифокор бу эътибордан руҳланиб, эл саломатлиги йўлида янада самарали хизмат қилишга бел боғлаган.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Модернизация

Мамлакатимизда амалга оширилаётган «Ишдан чиқётган қувватлар ўрнини тўлдириш» лойиҳасига кўра, Муборак газни қайта ишлаш заводида модернизация ишлари жадал суръатларда давом эттириляпти.

Янги блок ишга тушди

Яқинда тўлиқ қайта қурилган ва замонавий қўринишда тикланган йирик саноат гигантининг 18-блоти фойдаланишга топширилди. «Муборак газни қайта ишлаш заводи» унитар шўъба корхонаси раҳбари Ҳасан Иноқовнинг таъкидлашича, мазкур қурилманнинг лойиҳа смета ҳужжатлари «ЎЗЛИТИ нефтгаз» институти томонидан тайёрланган бўлиб, қурилиш-монтаж ишлари бош пудратчи «Қашқадарё нефтгаз саноатқурилиш» очик акциядорлик жамияти ва ўндан ортқ ёрдамчи пудратчи ташкилотлар томонидан амалга оширилди.

Қурилмадаги абсорбёр ускунасида ҳозирги замон технологик талабларига жавоб берадиган янги типдаги контакт мослама — «ПЕТОН» насадкаси ўрнатилди. Мосламанинг аф-

заллиги — у электр ва иссиқлик энергияси ҳамда абсорбёрни тежаш билан бирга, ишлаб чиқарилаётган табиий газ миқдорини 20 фоизгача қўпайтириш ҳамда маҳсулот сифатини янада яхшилаш имконини беради.

— Янги қурилмага ўрнатилган технологик жиҳозларнинг бир қисми республикаимиздаги «Ўзбекхиммаш» заводида, яна бир қисми Россия, Венгрия, Буюк Британия ва бошқа давлатларда ишлаб чиқарилган, — дейди завод бошланғич касба уюшма кўмитаси раиси Ақром Ҳамроев. — Қурилма Марказий Осиё геанти қуввати ва ишлаб чиқариш самарадорлигини икки бараварга оширишга қодир.

Иzzат ҲИҚМАТОВ

Меҳнаткашлар манфаати устувор

Жиззах вилоят ҳокимлиги, қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ҳамда савдо-саноат палатаси ҳудудий бошқармаси томонидан фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари, меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш юзасидан 2010-2012 йилларга мўлжалланган ҳудудий-минтақавий келишувга амал қилинмоқда. Бу муҳим ҳужжатнинг ўтган йилги ижроси юзасидан бажарилган ишлар ҳақида вилоят КУТБК меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими муdiri Илҳом Турсунов мухбиримизга қуйидагиларни сўзлаб берди:

Уч томонлама ҳамкорлик

— Аввало, уч томонлама ҳудудий-минтақавий келишув мазмун-моҳиятига тўхталсам. Келишувдан кўзда тутилган асосий мақсад — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда амалдаги қонунларга мувофиқ ишловларни янада ривожлантириш, аҳолини ижтимоий муҳофазалашни кучайтиришда амалий ҳамкорлик қилишдан иборат. Бунда ҳар бир тараф ўз зиммасига олган мажбурият асосида фаолият юритади.

Битимга мутаносиб равишда вилоят кенгаши ҳисобида турган 7670 та юридик шахс мақомидagi қорхонанинг 6926 тасида жамоа шартномалари, 16 та тармок келишуви ҳамда 23 та туман миқёсидаги ҳудудий-тармок битими тузилди. Улар орқали 171 миң 749 нафар ходимнинг бандлик, иш ҳақи ва меҳнат муҳофазасига оид ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий манфаатлари қамраб олинди. Жамоа шартномалари орқали ҳар бир ходимга сарфланган маблағ 228 миң сўмдан ошди.

Меҳнат келишимининг соғлиқни мустаҳкамлаш мақсадида ўтган даврда ижтимоий сугурта маблағи ҳисобидан 89 миллион сўм сарфланди ёки санаторий-курортларда 269 киши саломатлигини мустаҳкамлади. 329 та маънавий-маърифат бурчақлари, 45 та бадиий ҳаваскорлик тўғрақлари базасида маданий-тарбиявий ишлар олиб борилди. Мавжуд 231 та спорт майдонларида 318 та жисмоний тарбия ва спорт жамоалари ўртасида машғулотлар ўтказилди. Ана шу мақсадлар учун 97 миллион сўмлик маблағ сарфланди.

Бепул ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тадбирларига 2,7 миллион сўм маблағ йўналтирилган бўлса, эҳтиёжман қасаба уюшма аъзоларига, қаровчиси йўқ қариялар, етим болаларга ёрдам кўрсатиш учун ажратилган маблағ 175 миллион сўмдан ортди. Коллеж ва академик лицей ўқувчиларининг аксарияти ётоқхона турар-жой ҳақи тўловидан озод қилинган, олий ўқув юрти талабалари эса энг кам иш ҳақининг ўн фоизидан ошмайдиغان миқдорда турар-жой ҳақи тўлаб боришда, кам таъминланган оила вакиллари, чин етим, ногирон ўқувчи-талабаларга ётоқхона бепул.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида маҳаллий бюджет ҳисобидан 16-18 ёшга қадар боласи бор аёлларга 18724,1 ва икки ёшгача боласи бўлган ишламайдиган оналарга тайинланган нафақа 24698,9 сўми ташкил этди. Кам таъминланган оилаларга 2276,7 сўм, ёлғиз қарияларга озик-овқат маҳсулотлари учун 30,2 млн. сўм ажратилди. 23.620 нафар биринчи синф ўқувчилари ўқув анжомлари, 25.382 нафари эса қилки кийим-кечаклар билан таъминланди. Ўтган даврда аҳолига 402,5 миң квадрат метр уй-жой қурилиб, 150,1 км. ичимлик суви, 48,5 км. газ тармоқлари тортилди.

Меҳнатга ҳақ тўлаш тизими ҳам бир мунча яхшиланди. Жамоа шартномалари орқали ягона тариф сеткасида белгиланган нол разрядли ставкани кўтарган қорхоналар сони ортмоқда. Масалан, вилоят ҳокимлигининг «Ягона буротмачи хизмати инжиниринг» компаниясида энг кам иш ҳақининг икки баробаридан юқори, «Жиззах электр тармоқлари» ОАЖда 57.920 сўм қилиб белгиланган.

Айни пайтда банкрот деб эътироф этилган ва тугатилган қорхоналардан бўшатилган ходимларга тегишли иш ҳақларини ундириш юзасидан қасаба уюшма органлари муайян ишларни олиб бормоқда. Улар қорхонада тузилган суд бошқаруви комиссияси кредитдорлар йиғилишида иш ҳақи масалаларида қарздорлик талабларини қўймоқда.

Аҳолини иш билан таъминлашда муайян дастур асосида фаолият кўрсатилаётти. 2010 йилда 43.534 та янги иш ўрни яратилди. 17.147 киши муҳим ишга жойлашди. Йирик қорхоналарнинг 15 тасида 497 та касаначилик иш ўрни яратилиб, жами касаначилар сони 3006 нафарни ташкил этди.

Болали аёлларга қўшимча имтиёзлар яратиш мақсадида мулк шаклидан қатъи назар, барча ҳўжалик юритувчи субъектларда мактабгача ёшдаги боласи бўлган ишловчи аёлларга иш ҳақи сақланган ҳолда иш вақтини ҳар кунги бир соатга қисқартиришга эришилди.

Жамоа шартномалари ва келишувлари орқали кам таъминланган 1017 оила фарзанди учун ўқув қуроллари, дарслиқлар хариди қисман қопланди. Фарзанди 2-3 ёшга тулгунга қадар 450 нафар ёш оилаларга 24,7 млн. сўмлик, 1294 нафар ёш оила вақилига 61,6 млн. сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Юздан зиёд аёлнинг туғиш ва туққандан кейинги ҳақ тўланадиган таътил кунлари узайтирилди. Олий ўқув юртидаги қишлоқ жойлардан келиб таҳсил олаётган 45 нафар талабага контракт пулининг бир қисми тўлаб берилди. Ёлғиз кекса кишиларнинг ижтимоий-маиший эҳтиёжларига 50 млн. 691 миң сўм сарфланди. Улар тиббий қўриқдан бепул ўтказиб келинмоқда.

Вилоятдаги 10668 та қорхонада жамоа шартномалари орқали 198.896 нафар ходимга узайтирилган таътиллар татбиқ этилган. Юзта қорхонада 23.071 ходим қўшимча таътилдан фойдаланиб келмоқда. 538 ходим соғломлаштирилиб, уларга сарфланган маблағ 96,8 млн. сўми ташкил этди.

Нодавлат сектор ходимларининг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш борасида ҳам жойлардаги қасаба уюшма органлари ибратли ишларни амалга оширишмоқда. Бугунга келиб 28 та акциядорлик жамиятида, 29 та қўшма қорхонада, 6100 та фермер ҳўжалигида жамоа шартномалари тузилган бўлиб, бу қасаба уюшма аъзоларини ҳар жиҳатдан ҳимоялашда қўл келаяптир.

Ходимга ҳавфсиз меҳнат шaroити яратиш иш берувчининг биринчи галдаги бурчи. Бу борада ҳам сезиларли юмушлар бажарилляпти. Ушбу мақсадга ўтган даврда 2069 млн. сўм маблағ сарфланди.

Ечимини кутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас, албатта. Кўпгина тармоқларда ишловчи ходимларга қонунда ва жамоа шартномасида белгиланган муддатларда маош ва мукофот пуллари, моддий ёрдам ва бошқа шунга тенглаштирилган тўловларни олишда қиёсалар амалда сақланмаётти. Қорхоналарда дебитор ва кредиторлик қарзлари миқдори юқориликча қолмоқда. Камчиликлар учун иш берувчилар моддий ва маъмурий жавобгарликка тортилмаётти. Тижорат банкларидан нақд пул маблағлари етишмаслиги бюджет ташкилотларида иш ҳақидан муддати ўтган қарздорликнинг ошшишига олиб келмоқда. Жойлардаги қасаба уюшма фаоллари бундай салбий кўринишларни бар тараф этишда амалий ишларни янада жонлантириши лозим.

Сўхбатдош: Абдуманнон АЗИМОВ, «Ishonch» мухбири

Кун тартибида хотин-қизлар масаласи

(Давоми. Боши 1-бетда)

— Муҳтарам Президентимиз томонидан илғари сурилган ва бугунги кунда жаҳон ҳамжамияти эътироф этаётган ривожланишнинг «Ўзбек модели»да ҳам аҳолининг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимоясига алоҳида эътибор қаратилган, — дея таъкидлади сўзининг провардида Федерация кенгаши раиси Т.Нарбаева. — Бугунги кунда Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси кенгаши томонидан мазкур йўналишдаги ишларга муносиб ҳисса қўшиш мақсадида давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликдаги ишлар дастурини қабул қилиш амалиёти жорий этилди. Федерация кенгаши томонидан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазаси, Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими вазириликлари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси, Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Савдо-саноат палатаси, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси, «Нуроний» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати каби ташкилотлар билан ҳамкорликда қабул қилинган дастурлар шулар жумласидандир.

Кунги кеча Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ўртасида яна бир ҳамкорлик ҳужжати — Меморандум имзоланди. Бундан қўзланган мақсад мамлакатда амалга оширилаётган ишловларда жамоат ташкилотларининг муносиб ҳиссасини таъминлашдир.

Сўз Конференция иштирокчиларига

Манфред Варда, IСЕМ Бош котиби:



— Мен Ўзбекистонга яна бир бор ташриф буюриш бахти сафар бўлган имдани нунман. Чунки Ўзбекистон жуда ҳам мафтункор ва гўзал мамлакатдир. Мазкур анжуманининг Хоразмда бўлиб ўтаётган

лиги ҳам диққатга сазовор. Сабаби, биз бу ердаги тарихий обидаларни кўриш имконига эга бўлдик. Улар мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан кўрсатилган эътибор натижасида янада мафтункорлик касб этганлигига гувоҳимиз.

Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимояси борасида амалга оширилаётган ишлар алоҳида таҳсинга лойиқ. Бу жараёнда қасаба уюшмаларининг фаол иштирок этаётганлиги ҳам қувонарли ҳол. Айниқса, ҳукумат, қасаба уюшмалари ва иш берувчиларнинг ижтимоий шериклигида аёлларга меҳнат қилиш билан бирга бола парвариши, оилавий вазибаларини уйғунликда олиб боришлари учун етарли шарт-шaroитлар яратиб берилганлиги диққатга сазовордир.

Мен Ўзбекистонда аёлларнинг давлат ва жамоат ишларида фаоллик кўрсатишлари яратилиб берилётган шарт-шaroит натижасида улар томонидан эришилаётган ютуқлардан ниҳоятда мамнун бўлдим.

Иван Мохначук, IСЕМнинг Шарқий Европа, Марказий Осиё ва Жанубий Кавказ бўйича минтақавий ташкилоти раиси:



— Халқаро конференция иши давомидан Ўзбекистоннинг келажакдаги буюк давлат эканлигига яна бир бор амин бўлдим. Давлатингиз раҳбари бошчилигида хотин-қизларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликлар ҳам бунинг бир исботи бўлади. Буни алоҳида эътироф этишни истайман.

Аёллар меҳнатисиз ҳаётимизни, фаолиятимизни тасаввур қилиб бўлмайди. Аёл ҳам ходим, ҳам она, ҳам уй бекаси. Бугунги кунда Ўзбекистонда амалга оширилаётган модернизация жараёнлари хотин-қизларнинг ўз вазибаларини уйғунликда олиб боришлари учун яратилаётган шарт-шaroитларни янада яхшилаш имконини таъминлаётгани ҳам қувонарлидир.

Евгения Есенина, IСЕМнинг Хотин-қизлар комиссияси раиси:

— Хотин-қизлар учун етарли иш шaroитлари яратиш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат со-



ҳасида ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги тажрибани ўрганиш ва оммалаштириш зарур. Айниқса, уй меҳнати — касаначиликни ривожлантириш борасида Ўзбекистонда амалга оширилаётган ишлар таҳсинга лойиқ. Чунки, бу ҳам аҳолининг, хусусан, хотин-қизлар бандлигини таъминлашнинг муҳим омилларидан биридир. Бу йўналишларда амалга оширилаётган ишларга оид факт ва рақамлар бизда катта қизиқиш уйғотди. Касаначиликни ривожлантиришда қасаба уюшмалари ҳамкорлиги, уй меҳнати билан шўғулланаётган хотин-қизларга яратиб берилётган шaroитлар, улар меҳнатини муҳофазалаш йўналишида олиб борилаётган ишлар ҳам диққатга сазовор.

Конференция сабаб, Ўзбекистонда бугунги кунда хотин-қизлар манфаатларини ҳимоя қилиш, муносиб иш шaroитлари яратиб бериш натижасида улар учун имкониятлар салмоғи ортиб бораётганлигининг гувоҳи бўлдик.

Бугунги анжуман ишчан руҳда, ижодий кайфиятда ўтаётганлигидан жуда мамнунман.

Халқаро конференцияда IСЕМнинг хотин қизлар комиссияси ишлари бўйича бош мутахассиси Кэрл Брюс, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари Гулнора Маъруфова, Ёқилги-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари қасаба уюшмаси Марказий кенгаши раиси Гулбахор Ҳакимова, Озарбайжон ва Россия қасаба уюшма ташкилотлари вакиллари ҳам сўзга чиқиб, анжуман мавзуси юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА, Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси кенгаши матбуот хизмати раҳбари. Муҳаббат ТўРАБОЕВА, «Ishonch» мухбири. Комилжон ЎРОЗИМБЕТОВ олган суратлар

Матбуот анжумани

Модернизация шарофати

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 августдаги қарорига мувофиқ «Ўздонмаҳсулот» акциядорлик корпорацияси — «Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компаниясига айлантирилган. Айни пайтда компания тасарруфида 44 та қорхона ва 200 дан зиёд шохобча фаолият кўрсатаяпти. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажмининг 75,3 фоизи ун ва ёрма, 21 фоизи омухта ем, 2,5 фоизи макарон ва 1,2 фоизи нон маҳсулотларидан иборат. Ун 58 та тегирмонда, омухта ем ишлаб чиқариш 45 та, макарон 25 та цехда ва нон маҳсулотлари 40 та кичик цехда тайёрланмоқда.

Қорхоналар тегирмонларида 3 турдаги ун ва 2 турдаги ёрма маҳсулотлари ишлаб чиқарилаётган. 90 фoиз тегирмонлар барча турда ун ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлган технология билан жиҳозланган.

1991—2010 йиллар мобайнида 22 та тегирмон модернизация қилинди. 21 таси янгидан қурилди. 2010 йилда Наманган вилояти Поп туманидаги ва Сирдарё вилояти Ховос шаҳридаги кунлик қуввати 100 тонналик тегирмон цехлари замонавий энергия сарфлайдиган технология билан жиҳозланди. «Қўқон дон маҳсулотлари» акционерлик жамиятининг кундалик қуввати 500 тонналик тегирмони ҳам модернизация қилинди. Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Ички истеъмол бозорини озик-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш борасидаги устувор вазибалар, ишлаб чиқариш цехларини модернизациялаш ва технология қайта жиҳозлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳамда соҳанинг истиқболли режалари» мавзусида ўтказилган матбуот анжуманида ана шулар хусусида сўз юритилди.

Ҳовли тўйлари кўпаяди

Президентимизнинг 2009 йил 3 августдаги «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан тасдиқланган намунавий лойиҳалар асосида шу кунга қадар 42 массивда 847 та уй-жой қурилиши бошланди, бунинг учун 50,7 млрд. сўм миқдорда маблағ сарфланди. Банк томонидан берилган имтиёзли ипотека кредити эса 31,5 млрд. сўмини ташкил этди.

Ўтган йили 810,5 миң кв. метр ер майдонида 6800 та яқка тартибда уй-жойлар қурилиб, эгаларига топширилди. Муҳими, қурилаётган уй-жойлар қўйимининг асосис эшиб кетмаслиги учун маҳаллий қурилиш материалларидан фойдаланишга эътибор кучайтирилди. Президентимизнинг 2010 йил 8 сентябрдаги «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши яхшилаш ва лойиҳалашни тақомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори билан янгидан тасдиқланган, тақомиллаштирилган намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қурилишнинг асосий параметрлари ҳамда ушбу ҳудудларда ижтимоий инфратузилма объекти ташқи муҳандислик тармоқлари қурилиши истиқболлари белгиланди.

Жорий йил 157 та туманда умумий нархи 576,5 млрд. сўм бўлган 7400 та уй-жой қурилиши учун 355 та ер массиви танаб оланиб, «Қишлоқ қурилиш инжиниринг» компаниясига берилди. Қурилишда 753 та пудрат ташкилоти қатнашяпти. Бажарилаётган ишлар банк томонидан босқичма-босқич молиялаштирилмоқда. Айни пайтда пардозлаб ишлари якунланаяпти. Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Давархитектурилиш» қўмитаси, ОАТБ «Қишлоқ қурилиш банк», «Қишлоқ қурилиш инвест» ИИК ҳамкорлигида «Қишлоқлар қўёфасини тубдан ўзгартириш, инфратузилмасини яхшилаш, уй-жой ва ижтимоий соҳа объектиларини лойиҳалаш ва қурилишнинг долзарб масалалари, маҳаллий хом ашёдан қурилиш материаллари ишлаб чиқариш янада кенгайтириш борасидаги саяёҳаракатлар» мавзусида ўтказилган матбуот анжуманида ана шулар хусусида сўз юритилди.

Шарофат НОРКУЛОВА, «Ishonch» мухбири

Ахборот эркинлиги

Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган бу галги анжуман Давлат божхона қўмитаси Матбуот хизмати фаолиятига бағишланди. Бундан 14 йил муқаддам, яъни 1997 йил 26 августда Давлат божхона қўмитасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси органларида оммавий ахборот воситалари ва жамоатчилик билан ўзаро алоқаларни янада яхшилаш тўғрисида»ги буйруғи асосида қўмитанинг Матбуот хизмати ташкил этилган.

Бугунги кунда Матбуот хизмати бўлими замонавий моддий-техник жиҳозлар билан таъминланган ҳамда интернет тармоғига уланган. Давлат бошқаруви органлари томонидан интерфаол хизматлар кўрсатиш сифатини тубдан яхшилаш, кенгайтириш шартли ахборот алмашиш ишларини замона талаблари ва стандартларига мувофиқлаштириш мақсадида қўмитанинг расмий сайтида «Савол йўлаш» ва «Энг кўп сўраладиган маълумотлар» бўлими ташкил этилди. Шу кунга қадар интернет орқали 50 дан зиёд фуқаролар мувожаатларига малакали мутахассислар иштирокида жавоб берилди.

Яқинда Давлат божхона қўмитасининг иккита энг муҳим таркибий тузилмалари — Олий ҳарбий божхона институти ва Миллий кинология марказларида янги тақомиллаштирилган веб-сайтлар ишга туширилди.

Дилором АЛЛАКУЛОВА, «Ishonch» мухбири

Молия муассасаларида



Жорий йилнинг номланишидан келиб чиқиб, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган тижорат банкларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга амалий эътиборни янада кучайтирди.

Банк хизматлари — кичик бизнесга

Буни Чирчиқ шаҳар миллий банки филиали томонидан амалга оширилаётган ишлар мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Банк бошқарувчиси ўринбосари, кредит иқтисодий бўлими бошлиғи Бехзод Сувонқуловнинг таъкидлашича, ўтган давр мобайнида кичик бизнес субъектларига, аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш, ёш оилаларга кўмак бериш ҳамда бу борада Президентимиз


фармонлари ва қарорларини бажаришга алоҳида ёндашув ўз самарасини бермоқда.

Бунинг натижасида шаҳар ҳудудида паррандачилик, асаларичилик, балиқчилик, чорвачилик ўтган йилга нисбатан бир неча баробарга ошди. Айни пайтда банк мутахассислари томонидан ушбу соҳаларни янада ривожлантириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинмоқда.

Н. ЖўРАБЕКОВА

Ўз мухбиримиз

Бетакрор ва боқий Бухоро



Илму маърифат, маданият маркази саналган Бухоронан не-не улуг зотлар етишиб чиқмаган, дейсиз. Истиклол уларнинг номини халқимизга қайтарди. Юртбошимиз бошчилигида улуг аждоқларимиз маданий меросини тиклаш, тарихий-мезморий обидаларни асраш борасида жуда катта ишлар амалга оширилиб, Абдухалиқ Гиждувоний, Амир Кулол, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Ориф Моҳитобон ва бошқа кўплаб зияратгоҳлар обод этилди.

Мустақиллик йилларида вилоятда улкан иншоотлар, корхоналар, маданий-маиший объектлар ва кўплаб бинолар қурилди. Улар орасида «Кўхна ва боқий Бухоро» маданий марказининг салобати, нуфузи ўзгача. Юртбошимиз ташаббуси ва ғояси асосида 107 гектар ҳудудда барпо этилган гўзал мажмуа қадимий ва навқирон шаҳарга узукка кўз қўйгандек ярашди. Замонавий мажмуада 700 ўринли вилоят мусиқали драма театри ва 2000 томошабинга мўлжалланган амфитеатр ўртасида баландлиги 18 метрли «Кўхна ва боқий Бухоро» монументи ўрин олган. Унда Бухоронинг асл фарзандлари номлари, қатор тарихий-мезморий ёдгорликлар тасвири мурҳланган. Монументда битилган Баҳоуддин Нақшбанднинг «Дил ба ёру даст ба қор» ҳикмати кишиларни эзгулик сари даъват этади.

Қишлоқ ҳўжалиги воҳада етакчи соҳа сифатида жадал ривожланмоқда. 1991 йилда вилоятда галла ҳосилдорлиги ўртача 23,3 центнерни ташкил этган бўлса, кейинги йилларда бу кўрсаткич 60 центнерга яқинлашди. Бундай ўзгаришларни пахтачиликда ҳам кўриш мумкин.

Бугун вилоятда 3953 та фермер ҳўжалиги пахтачилик, галлачилик, қорвачилик, боғдорчилик, сабзавотчилик ва бошқа йўналишларда фаолият кўрсатаётти. Жорий йилда қайта ишлаш корхоналарига 3107 тонна юқори сифатли пилла хомашёси етказиб берилди. Биринчи ярим йилликда давлатга 141645 тонна сара дон сотилди. Аҳоли дастурхонига 73062 тонна гўшт, 265519 тонна сўт ва ҳар қачонгидан кўп миқдорда бошқа қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари тортиқ қилинди. Соҳа равнақи учун бошланган саъй-ҳаракатлар изчил давом эттирилмоқда.

Хусусийлаштиришни эркинлаштириш, хорижий инвестициялар киритилиши, корхона, ташкилот ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатини оширмоқда. Масалан, мустақилликнинг илк йилларида вилоятда юридик макомга эга корхоналар 80 тани ташкил этган бўлса, айни пайтда улар 4387 тага етди. Маҳсулот ишлаб чиқариш миқдори эса 500 мартага кўпайди. Яна бир ибратли жиҳат: 2005 йилда вилоятга

22,4 млн. АҚШ долларини миқдорда хорижий инвестиция жалб қилинган бўлса, ўтган йили ушбу кўрсаткич 866,8 млн. долларни ташкил этади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилда 3221 та кичик корхона саноят, транспорт, қишлоқ ҳўжалиги, маиший хизмат, қурилиш, халқ ҳўнармандчилиги ва бошқа соҳалар ривожига ҳисса қўшиб келаяпти. Бу эса ҳудудий «Бандлик» дастури ижросини таъминлашда муҳим аҳамият касб этаётти. Шу йилнинг ўзида 46620 нафар киши доимий иш ўрни билан таъминланди. Эътиборлиси, уларнинг аксариятини ёшлар ташкил қилади.

Вилоятда келажак авлоднинг баркамол этиб тарбиялаш, уларнинг муносиб таълим олиши учун барча шароитларни яратишга алоҳида эътибор қаратилган. Бухоролик ўқувчи-ёшлар халқаро ва республика фан олимпиадаларида юқори ўринларни эгаллаб, олий ўқув юрларига қабул қилиниш кўрсаткичи бўйича пешқадамлар сафида бормоқда. Шунингдек, соғлиқни сақлаш, спортни оммавий ривожлантириш борасида ҳавас қилса арзигулик натижалар кўлга киритилаяпти.

Аҳоли турмушини янада яхшилаш, айниқса, қишлоқ меҳнатқашларига ғамхўрлик қилиш, кўплаб замонавий уй-жойлар қурилишига катта аҳамият берилётгани кишини беҳад қувонтиради. Бугун вилоят аҳолисининг қарийб 98,6 фоизи табиий газ, 84,5 фоизи тоза ичимлик суви билан таъминланган. Йўллар режали асфалтлаштирилмоқда. Миллий ва замонавий мезморийлик аъёнларини ўзида муҳассам этган, табиий иқлим шароити ҳамда ўзбекона менталитет ҳисобга олинган, муҳандислик коммуникациялари билан уйғун ҳолда қад ростлаётган уй-жойларнинг 540 таси ўтган йили фойдаланишга топширилган эди. Айни пайтда эса яна 42 та аҳоли пунктида 575 оилага мўлжалланган намунавий уй-жойлар биринчи эгаларига топширилмоқда.

Мустақиллик шарофати билан бетакрор ва боқий Бухоронинг бугунидан эртаси нурашон бўлмоқда. Биз орзу қилган замоннинг ширин мевалари айнан шунан эмасми?!

Иzzатулла ҲОЖИЕВ, «Ishonch» мухбири

Туманимиз истиклолнинг дастлабки йилларида, аниқроғи, 1993 йил 12 январда ташкил топган. Асрлар давомида қақраб ётган чўл ҳудудига йирик саноят, транспорт корхоналари, маданий-маиший бинолар, улкан бунёдкорлик объектлари барпо этилди. Хуррият тўхфа этган имкониятлар ҳақида фикр юритганда, мамлакатимиз ёнилғи мустақиллигида муҳим ўринга эга икки йирик корхонанинг бири – Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи ҳудудимизда бунёд этилган.

Мустақиллик шарофати билан

Ушбу гигант корхона тўрт йилда қуриб фойдаланишга топширилди. Унинг барпо этилишида Франция, Туркия, Япония, Америка ва бошқа ривожланган давлатлар мутахассислари иштирок этган. Газ конденсати ва нефтни қайта ишлашда юқори сифат кўрсаткичларини таъминловчи замонавий технологиялардан фойдаланилаётгани корхонанинг мамлакат ташқарисидан ҳам нуфузини оширмоқда.

Корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми йил сайин ортаятти. Жумладан, жорий йилнинг биринчи ярмида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш 110,3 фоизни ташкил этади. Бу вилоятда ишлаб чиқарилган саноят маҳсулотларининг 52 фоизини ташкил қилади. Айни пайтда заводда халқаро талабга мос бензин, авиакеросин, дизел ёнилғиси, углеводород эритмаси, мазуот каби етти турдаги юқори си-

фатли маҳсулот ишлаб чиқарилиб, буюртмачиларга жўнатилмоқда. Ушбу корхонанинг ишга туширилиши нафақат иқтисодий имкониятларни кенгайтирди, ижтимоий, маданий-маиший соҳаларнинг кескин ривожланиши, туман марказининг кўркам қиёфа касб этишида муҳим омил бўлди. Чунинчи, кейинги йилларда бу ерда бунёд этилган ёшлар маркази, суний кўл, саломатлик, маданият ва спорт мажмуалари, деҳқон бозори, ҳаммом ҳамда бошқа объектлар аҳолига хизмат қилаяпти.


Бундан ташқари, аҳолини иш билан таъминлаш, уларнинг турмуш фаровонлигини ошириш, ободончилик ва бунёдкорлик соҳасидаги ишлар алоҳида эътиборга молик. Завод ҳузурда қорвачилик мажмуаси, йирик ҳажмдаги иссиқхона, «Жаннат сути» сутни қайта ишлаш корхонаси, новвийоналар хизмати, қаса-

начилик йўлга қўйилган. Туманимиздаги яна бир қанча нефть ва газ соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг ҳам ишлаб чиқариш салоҳияти йил сайин ўсмоқда. Бу эса кадрларни жой-жойга қўйиш ва уларнинг масъулиятини ошириш, ишлаб чиқаришга хорижий технологияларни киритиш ҳамда улардан самарали фойдаланиш, қўшимча ишчи ўринлари яратиш имконини бераётти.

Ҳудудимизда рўйхатга олинган 709 та корхонадан 567 таси кичик бизнес субъектларидир. Жорий йилнинг биринчи ярмида 159476,2 миллион сўмлик халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилган бўлиб, жон бошга ҳисоблаганда салкам 11 миллион сўмини ташкил этади.

Шунингдек, ўтган йилнинг биринчи ярмига нисбатан қурилиш пудрат ишлари 112,5, автомобил транспортда юк ташиниш 121,6, пулли хизмат кўрсатиш 112,4, аҳоли жон бошга хизмат кўрсатиш ҳажми 109,7 фоизга етди. Ташқи савдо айланмаси 182 фоиздан ошган.

Бултур давлатга пахта сотиш режаси 118,2 фоизга бажарилди. Ушбу кўрсаткич 2009 йил натижаси билан солиштирилса, 134 фоизни ташкил қилади. Жорий йилнинг биринчи ярмида 33143 тонна дон етиштирилди. Унда фермер ҳўжалиқларининг улуши 31485 тоннани, ҳосилдорлиги 49,7 центнерни ташкил этади. Давлатта дон сотиш шартнома ре-



жаси ошириб бажарилди. Фермерлар ихтиёрида 20 минг тоннадан ортиқ галла қолди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили тадбиркорларга кенг имконият яратди. Туман дастурида амалга оширилиши белгиланган тадбирлар ижросига 6732,4 миллион сўм сарфланиб, биринчи ярим йиллик кўрсаткичлари 101,7 фоизга бажарилди. Режага мувофиқ ҳар ҳафта жума куни туман ҳокимлигида «Очиқ эшиклар куни» тадбири ўтказилаётганлиги, ушбу жараёнда тадбиркорларнинг ер, бино, кредит ва бошқа масалалар бўйича мурожаатлари эшитилиши, муаммоларни жойида ҳал этиш чоралари қўрилганлиги ижобий натижа бермоқда.

«Бандлик» дастурига асосан жорий йилнинг биринчи ярмида туманда 967 та янги иш ўрни яратилди. Бу борадаги режа 114 фоизга бажарилди. Мазкур йўналишдаги саъй-ҳаракатлар изчил давом эттирилади.

Қишлоқ аҳолисини давра талаби асосида ижтимоий турмуш шароитини яратиш мақсадида ўтган йили 10 та намунавий уй-жой қурилди. Хозирда қишлоқ ҳудудига 15 та ана шундай кўркам уй барпо этилмоқда. Бир сўз билан айтганда, Мустақилликнинг 20 йиллигини туманимиз аҳолиси шодийна билан кўтиб олди.

Нормурод АҲМЕДОВ, Қоровулбозор туман ҳокимининг биринчи ўринбосари

Янги уйда байрам

Жондор туманидаги «Далмун» қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи ўқитувчи Муҳиддин Назаров оиласи муборак Рамазон ҳайити ва Мустақилликнинг кўтулғу 20 йиллигини замонавий лойиҳалар асосида қурилган янги уйда кўтиб олди.

— Уйимиз шинам ва кўркам, яшаш учун барча қулайликлар мавжуд, — дейди хонадон соҳибига. — Меҳмонхона, дам олиш хонаси, ётоқхоналар, ошхона, ҳаммом, алоҳида иситиш тизими, иссиқ ва совуқ сув... Ҳеч бир қамчилиги йўқ. Бу каби илқ гапларни янги уй қалитларини қабул қилиб олган яна 12 хонадон эгаларининг барчасидан эшитиш мумкин. Хуллас, Далмун қишлоғи кўркамга кўрқиб қўйилди. Катта ҳажмдаги бунёдкорлик йомушларини бажаришда Жалил Ортоқов бошчилигидаги «Семيرانго строй сервис» масъулияти чекланган жамияти қурувчиларининг хизмати катта бўлди. Жорий йилнинг январ ойида пойдевор қўйилган уй-жойлар августда фойдаланишга топширилди. Қийса мuddат ичида 861,6 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари уddаланди.

Ўз мухбиримиз

Бухоро шаҳридаги Маданият ва истироҳат боғи уч кун мобайнида марказ аҳолиси ҳамда меҳмонлар билан гавжум бўлди. «Табаррук замин саховати» широри остида Утган XV аънаванавий қовун сайли Мустақилликнинг 20 йиллик тантаналарига улашиб кетди.

Шираси тилни ёради

Бу йилги сайлнинг ҳар қачонгидан файзли ва тароватли бўлганини эътироф этиш жоиз. Сайлда 230 та фермер ҳўжалиги 800 тоннадан ортиқ полиз маҳсулотлари билан қатнашди. Сайлгоҳни кезар эканмиз, бу ерга ташриф буюрган кишилар фикр-мулоҳазалари билан ҳам қизиқдик.

Абдурахмон Баротов шифокор, меҳнат фахрийси: — Ташкил этилган қовун сайли одамларнинг кайфиятига кайфият қўшиди. Ширин-шакар қовун-тарвузлар инсон саломатлиги учун фойдали эканлиги билан ҳам эътиборга моликдир. Уларни татиб кўраркансиз, барака топ, бободоҳқон, деб юборасиз.

Шомурод Худойберганов, хоразмлик меҳмон:

— Бухорода жуда кўп бўлганман. Беш йил илгари унинг қовун сайлида ҳам қатнашгандим. Аммо бу йилгиси маҳсулот сөрбоблиги, навларнинг кўплиги, юқори сифати билан ажралиб турибди. Боз устига қовун-тарвузларнинг нархи бозордагидан икки-уч баробар арзон. Бундай тадбирларга бошқалар ҳам ҳавас қилса, ўрнат олса арзийди. Бухоро барибир Бухоро-да!

Ҳа, бўлиб ўтган қовун сайли барчада илқ таассурот қолдирди. Бундан деҳқон ҳам, харидор ҳам ниҳоятда мамнун бўлди. Кўплаб саҳий фермерлар давраларида етиштирилган полиз маҳсулотларини кам таъминланган эҳтиёжманд оилаларга тортиқ этиб, ташаккур ва савобга сазовор бўлишди.

Қовун сайли якунида вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Муроджон Умаров сайл иштирокчиларини ибратли тадбир ва мустақилликнинг 20 йиллиги билан табриқлаб, голибларга мукофотларни топширди. Ҳайъат ҳулосасига кўра, 20 тоннадан ортиқ 30 навадаги полиз маҳсулоти билан қатнашган Шофиркон туманидаги «Азим Шофиркон юлдузи» фермер ҳўжалиги биринчи ўринга лойиқ топилди. Жондор туманидаги «Элмурод, Дўстмурод, Шахриёр», Гиждувон туманидаги «Ўктам Қасом» фермер ҳўжалиқлари иккинчи ва учинчи ўринга сазовор бўлди. 30 дан ортиқ фермер ҳўжалигига рағбатлантирувчи мукофотлар топширилди. Голиблар рангли телевизор, гилам, DVD ва бошқа қимматбаҳо совғалар, халқ депутатлари вилоят кенгашининг фахрий ёрликлари билан тақдирланди.

Х. ИZZАТУЛЛАЕВ

Тадбиркор Абдухалил Нўмонов етакчилигидаги «Кумри Адиз мўъжизаси» хусусий корхонаси ҳозиргача маҳаллий усулда қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва унинг савдоси билан шуғулланиб келаяпти.


Хориж технологияси асосида

Харидорлар талаб ва эҳтиёжлари ўсиб бораётганини ҳис этган корхона раҳбари маҳсулот турини кўпайтириш ва сифатини янада яхшилаш мақсадида замонавий технологияга эга бўлишга қарор қилди. Яқинда унинг шахсий жамғармаси ва «Узсанотқурилишбанк»нинг Қоровулбозор филиали кредити эвазига Хитойдан сунгги русумдаги усуналар келтирилди.

— Янги технология туфайли эндиликда бир кеча-кундузда 2 тоннагача 20 хилдан ортиқ қандолат, нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга бўлиб турибмиз. Бу 10 та ишчи ўрни яратиш имконини беради, — дейди корхона раҳбари А.Нўмонов.

Ўз мухбиримиз

«Фидойи қизингман, Ўзбекистоним»



Мамлакатимиз шон-шўхратини оламга ёйишда бухоролик спортчилар ҳам муносиб ҳисса қўшаётти. Жаҳон тан олган боксчи Аббос Атоев, дзю-дочи Ришод Собиров, самбочи Ақобир Қурбонов сингари ўнлаб ҳамшаҳарларим билан фахрланаман. Мен ҳам уларнинг изидан боришга ҳаракат қилаяман.

бошладим. Бошқалардан ортда қолмаслик учун машқларни жону дилим билан берилиб бажардим. Ўз устимда тинимсиз ишлаш, устозларим берган вазифаларни кунт ва чидам билан бажарганим туфайли кўп ўтмай асосий гуруҳга ўтказишди ва шаҳар миқёсидаги мусобақаларда ҳам иштирок этдим. Аввалига Бухорода биринчи ўринни эгалладим.

Республика миқёсида илк катта ютуққа 2008 йилда Гулистон шаҳрида бўлиб ўтган «Умид ниҳоллари» ўйинларида эришдим. Ушанда 2-ўринни эгалладим.

Шундан сўнг мени мамлакат ёшлар терма жамоасига таклиф этишди. 2009 йилда Германиянинг Подерборн шаҳрида бўлиб ўтган халқаро турнирда Ўзбекистон терма жамоаси таркибига голиб чиқдим. 2010 йилда Италиянинг Песцари шаҳрида ташкил этилган жа-

ҳон чемпионатида, Москва шаҳрида ўтган жаҳон кубоги мусобақаларида қатнашиб, маҳоратимни янада оширдим.

Ўтган йиллар давомида уч карра Ўзбекистон чемпиони унвонига сазовор бўлдим. Энг қувончлиси, 2010 йилда Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида жамоамиз етакчилари Ульяна Трофимова ва Жамила Раҳматова билан кумуш медал совриндори бўлиб, халқаро тоифадаги спорт устаси унвонига лойиқ қўрилдим. 15 ёшли спортчи учун бу катта шарафдир.

Айнан Гуанчжоуда ўзаро борилик, ҳамжиҳатлик, галабага бўлган ишонч орқали, Ватан, миллат шаъни учун умумжамоа бўлиб курашиш ҳиссини туйдим. Бу йилги натижалардан ҳам кўнглим тўлаяпти. Греция ва Ис-

роилдаги халқаро мусобақаларда ўзимни кўрсатдим. Апрель ойида Термиз шаҳрида бўлиб ўтган «Баркамол авлод» мусобақаларида 4 та олтин медал олишга муваффақ бўлдим.

Ютуқларимда, авваламбор, биринчи устозим Алысина Чепкунова ҳамда ҳозирда менга бадий гимнастиканинг мураккаб қирраларини ўргатаётган Рима Хохлаваннинг меҳнати беқийс.

Ҳар бир мусобақада гимнастика гиламига чиққанымда онла аъзоларим, овоз ва обод Ватаним меҳри, миллионлаб ватандошларимнинг қўллаб-қувватлаши, Президентимизнинг оталарча ғамхўрлигини ҳис қилиб тураман ва галабага интилишим янада кучаяди.

Замира САНОКУЛОВА, бадий гимнастика бўйича халқаро тоифадаги спорт устаси

Касаба уюшма спорти

Соғлом турмуш сари биргаликда



Шижоат ва ирода намойиши

Юртимизнинг барча гўшаларида байрам шукуҳи кезиб юрибди. Жойларда турли маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилмоқда. Шундай тадбирлардан бири Тошкент вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан Чирчиқ Олимпия захиралари коллежиде уюштирилди. «Саломатлик» спартакиадаси «Веломарофон кун»и очик спорт мусобақасига улашиб кетди.

Меҳнаткашлар ва ёшларнинг саломатлигини мустақамлаш ҳамда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга бағишланган «Саломатлик» спартакиадасида пойтахт вилоятидаги йирик корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган 112 нафар ходим ва уларнинг фарзандлари 8 жамоа таркибиде беллашдилар.

«Отам, онам ва мен — спортчилар оиласи» шiori остидаги оилавий мусобақаларда умумжамоа ҳисобида «Олмалик тоғ-металлургия комбинати» ОАЖ голиб деб топилган бўлса, волейбол мусобақасида «Ўзметкомбинат» акциядорлик ишлаб-чиқариш бирлашмаси жамоаси ўз маҳоратини намойиш этди.

ларида ҳам «Ўзметкомбинат» вакиллари кўли баланд келди.

Тош кўтариш ва стол тенниси беллашувлари, айниқса, кизгин ва муросасиз ўтди. Дастлаб стол теннисиде голиб чиққан вилоят таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вакиллари тош кўтаришда ҳам биринчи бўлишди.

Шаҳрисабздаги «Беруний» оромгоҳида Қашқадарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг «Саломатлик» спартакиадаси ташкил этилди.

Унда тармоқ спартакиадаларида голиб чиққан спортсеварлар волейбол, стол тенниси, миллий кураш, оилавий эстафета, енгил атлетика, шахмат, шашка, тош кўтариш спорт турлари бўйича мусобақалашдилар.

Саралаш учрашувларида голиб чиқиб, финалга йўл олган таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши терма жамоалари ўртасидаги волейбол баҳси 0:2 ҳисобида тугади. «Давлат муассасалари» жамоасидан, шунингдек, армрестлинг бўйича Озода Бойкулова ҳамда кураш беллашувларида 81 кг. вазн тоифасида Абдухалим Жўраев шоҳсупанинг энг юқорисидан жой олишди.

Енгил атлетика баҳслари 25-34 ёшлилар ҳамда 35 ва ундан катталар ўртасида ўтказилди.

Югуриш, узунликка сакраш ва теннис тўпини улоқтириш борасида сермаҳсуллик кўрсатган таълим ва фан ходимлари Шоҳрух Шодмонов, Гулнара Тўраева ҳамда Голиб Ражабов ўз ёш тоифасида биринчи ўринни эгаллашди. Тош кўтариш баҳсида Шерали Юсупов тенгсиз бўлди. Яна бир педагог Олим Абдурахимов стол тенниси (эркаклар) баҳсида барча рақибларини енгиб, таълимчиларнинг умумжамоада биринчи ўринни эгаллашига ўз ҳиссасини қўшди. Ёқилги-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши жамоасидан Ирина Тошмуродова шахмат, Улуғбек Қўлдошев кураш (+81 кг.), Зайниддин Аширов оилавий эстафета, Замира Изамова шашка бўйича муваффақият қозониб, нефт-газчиларнинг умумжамоа ҳисобида иккинчи ўриндан жой олишини таъминлади.

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши жамоаси ҳам мусобақага жиддий ҳозирлик кўришганини исботлади. Марям Бозорова енгил атлетиканинг 24-34 ёшлилар гуруҳида етакчилик қилган бўлса, Муқаддам Аролова стол тенниси, Эрали Исломов шахмат, Баҳром Умроч шашка баҳсида голиб чиқиб, якунда жамоасининг учинчи ўринни эгаллашига улуш қўшди.

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши жамоаси аъзоси Анвар Шоимов 73 кг. вазн тоифасида курашчилар баҳсида бош мукофот соҳиби бўлди.

Голиб ва совриндорлар касаба уюшма ташкилотлари вилоят кенгаши таъсис этган диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Энди голиблар 20-22 сентябр кунлари ўтадиган спартакиаданинг республика босқичида вилоят шарафини ҳимоя қилишади.

Акмал АБДИЕВ, «Ishonch» мухбири



Тошкент вилояти корхона, ташкилот ва муассасалар ходимлари, ҳаваскор спорт жамоалари, ўсмир ёшлар, профессионал велоспортчилар ўртасида ташкил этилган «Веломарофон кун»и очик спорт мусобақаси ҳеч кимни бефарқ қолдирмади.

Профессионал спортчилар ўртасида 40 км. масофада ўтказилган мусобақада спорт мактаблари, Олимпия захиралари коллежлари ҳамда спорт клубларида велоспорт билан шуғулланувчи 1996 йилда туғилган ва ундан катта 2-разряддан спорт устасигача бўлганлар қатнашди.

Ҳаваскорлар ўртасида 8 км. масофада ўтказилган мусобақада корхона, ташкилот,

акциядорлик жамиятлари ишчи-хизматчилари ва коллеж, лицей ўқувчилари қатнашди. Мусобақада 1991 йилда туғилган ва ундан юқори ёшдагилар иштирок этишди.

Профессионаллар ўртасида биринчи ўринни Марказий ҳарбий спорт клуби аъзоси Абдулла Акбаров эгаллаган бўлса, иккинчи ўрин қозогистонлик Фозилбек Жақсалиққа насиб этди. Учинчи ўринни МХСК вакили Вадим Шайхов эгаллади.

Ҳаваскорлар ўртасида биринчи ўринга «Ўзметкомбинат» ОАЖ корхонаси ходими Фарид Муротов сазовор бўлди. Иккинчи ўринни «Максам-Чирчиқ» ОАЖ корхонаси ходими Рауф Фарзуддинов эгаллади. Учинчи ўрин «Ўзбекистон ўтга чидамли маҳсулотлари ишлаб чиқариш комбинати» ходими Темур Асановга насиб этди. Бундан ташқари, бир неча номинациялар бўйича

асло янглишмаган бўлган.

— Уч йилдан бери велоспорт билан шуғулланман, — дейди «Энг ёш спортчи» номинацияси голиби, 12 ёшли Алишер Турдалиев. — Мақсадим келажакда профессионал спортчи бўлиб етишиб, чемпион акаларим қаторида юртимиз байроғини жаҳон ареналарида баланд кўтаришдир.

Салим АБДУРАҲМОНОВ, «Ishonch» мухбири. Иқром ҲАСАНОВ олган суратлар



Кўнгли овод — юрт овод

Қорақалпоғистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазири Қалбай Турдиев бу йил нишонлаган энг улуг ва энг азиз байрам — мустақиллик кунини тўғрисида шундай деди:

Озод диёрда байрам ифори

— Ҳамма жойда бўлгани каби, Истиклол байрами Қорақалпоғистонда ҳам катта шодивоналар билан бўлиб ўтди. Асосий тадбир Нукус шаҳар амфитеатрида нишонланди. «Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!» шiori остида ўтган адабий-бадиий, мусиқали байрам тантанасига ўрта махсус касб-ҳунар таълими ҳамда олий ўқув юртлири талаба-ёшлари жалб этилди. Байрам дастури ранг-баранг бўлиб, тарихий бўлимда буюк аждодларимиз Абу Райҳон Беруний, Ажиниёз, Бердақ каби тарихий шахслар сиймолари намойиш бўлди. Мустақилликнинг 20 йиллиги олдидан истеъдодли, ёш ижрочилар ўртасида ўтказилган «Ягонасан, мустақил Ватан!», «Нихол», «Келажак овози», «Арслар садоси», «Сени куйлаймиз, замондош», «Қорақалпоқ миллий либослари» каби нуфузли кўриқ-танловлар голиблари байрам томошаларининг фаол иштирокчисига айландилар.

Байрамолди тадбирлари «Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!» шiori остида барча туман ва шаҳарларда кўтаринки кайфият билан ўтказилди. Жумладан, Кўнгирут туманидаги «Қорақалпоғистон», «Елабат», «Қирқ қиз», «Тулёй» каби овул фуқаролар йиғини аҳолиси билан таниқли хонандлар ва ёш ижрочилар иштирокида учрашув ва концерт ташкил этилди. «Айқулаш жулдизлари», «Аму толқини», «Гулзар» қорақалпоқ фольклор этнографик ансамблилари ва бадиий жамоалар чўкишларини томошабинлар олқиш билан қаршилади. Унда сўзга чиққан Ўзбекистон Қаҳрамонлари, «Нихол», «Зулфия» мукофотлари совриндорлари, «Ташаббус» танловни голиблари, Халқаро фестивал ва анжуманларда улкан зафарларни кўлга киритган юрт фарзандлари мустақил ва озод юртимиз ҳақида фахр билан сўзладилар.

Шунингдек, И.В.Савицкий номидаги Қорақалпоқ давлат санъат музейида «Қорақалпоқ расмолари асарлари», Қорақалпоқ давлат шон-шухрат музейида «Мустақиллик — миллий ифтихоримиз» номли кўргазмалар ташкил этилди.

Шукурки, юртимиз тинч, халқимиз кўнглида байрам кайфияти мавж уриб турибди. Истиклол нёма-тидан баҳраманд бўлиб вояга етаётган ёшларнинг юз-кўзларида кувонч. Буларнинг барчаси фидокор халқимизнинг меҳнати, мустақиллигининг шарофатидир. Мухтасархон КАРИМОВА

Бундан олтмиш бир йил аввал азим Қашқа бўйида жойлашган Бойбўри қишлоғидаги хонадонлардан биринида чақалоқ дунёга келди. Гўдакка Сайфулла деб исм кўйишди. Оила боши Олмурод ака қишлоғида почта бошлиғи бўлиб, анчагина қаттиққўл эди. Ониси Ҳайиттул опа эса рўзгор юмушлари ичиде кунларнинг қандай ўтганини ҳам сезмасди. Сайфулла болалик чоғларини бот-бот ёдга олади: — Қишлоғимизни бир томондан дарё, қолган уч тарафдан эса, паст-баланд тепаликлар ўраб турар, одамлар деҳқончилик, боғдорчилик, чорва боқиш билан кун кечирарди. Қўшни қишлоқдан Тошқул деган киши ҳам почтада ишлар, хотини бизга ҳамқишлоқ бўлгани учун у кишини жезза, яъни почта дердик. Тошқул ака қишли-қировли кунларда бизни келиб, сумкасида олиб юрадиган дoston-китобларини мароқ билан ўқиб берарди. Мен ҳам сандалнинг бир четидан жой олиб, «Алпомиш», «Гўрўғли», «Авазхон»ларни жон қулогим билан эшитардим. Сўзларнинг сеҳр-жодуси мени ўзи билан йироқларга олиб кетарди. Балки, кўнглимдаги бадиий ижодга меҳр, ошуфталик ўша дамларда уйғонгандир?..

Бойбўрининг оқсоқоли

Бешинчи синфда ўқирдим. Мактабда уста бўлиб ишлайдиган Йўлдош исмли киши меҳнат фанидан дарс ўтарди. Баҳор кунларининг бирида муаллим: «қуш уяси ясаб келинлар», деб топширик берди. Бир ҳафта ичиде неча бор бузиб-тузиб уяча ясадим. Кувончим ичимга сиймасди, чунки бу менинг мустақил бажарган биринчи ишим эди-да! Дарс бошлангач, муаллим болалар ясаган қуш инларини кўздан кечириб, навбат менинг уячамга келди. Йўлдош муаллим уни кўлида айлантириб томоша қиларкан:

— Олмуродов, сен бунинг ўзинг ясабсан, доим ўзингга ишон! — деди-да, журналга «беш» баҳо қўйди.

Устознинг сўзлари бир умр ёдимда қолди. Ўзимга ишонадиган бўлдим. Айниқса, бу далда менга ички ишлар соҳасида ишлаган кезларимда доим мададкор бўлди.

Сайфулла мактабда яхши ўқиди. Ун бир йил синфбоши бўлди. Мактабни тугатиб, олийгоҳга ҳужжат топширди. Аммо Бойбўрининг ишонган ўқувчиси имтиҳондан етарли балл ололмади.

қишлоғига қайтиб келди. Кейин ҳарбий хизматга чақирилди. Аскарликдан қайтиб ички ишлар бўлимига ишга, ҳуқуқшунослик факултетига сиртдан ўқишга кирди.

Навқирон йигит гайрати, тартиб-интизомни, адолатсеварлиги туфайли ҳамкасбларининг, бошлиқларнинг назарига тушди. Йигирма бир йил осяошталлик пособони бўлиб ишлади. Милциянинг майори унвони билан нафақага чиқди. Ўтган йиллар орасида турмуш ўртоғи Қирмизой опа билан уч ўғил, уч қизни вояга етказди. Бугун уларнинг ўн тўрт нафар севиқли набиралари бор.

Ажабо, одам боласининг кўнгли қаримас экан...

ёмонмас», деб маслаҳат берди.

Шу орада Сайфулла ака хайрли ишни амалга оширди. Икки йил кўпни кўрган кексалардан сўраб-суриштириб, қишлоқдошларининг шажарасини ўрганди ва китобча ҳолда чоп эттириб, одамларга тарқатди.

Кунларнинг бирида шаҳарда яшаб қолиб, олимлик даражасига эришган ҳамқишлоғи китобчани варақлаб деди:

— Сайфулла, сизга раҳмат, савоби ишни қилибсиз. Аслида бу ишнинг мен бажармогим лозим эди, афсуски...

Шу орада Сайфулла Ал-Муроднинг бирин-кетин «Меҳр қўиши», «Бодом гули» деб номланган

Замондошларимиз

шеърый китоблари чоп этилди.

— Сайфуллабой укамиз элнинг кайвониси, — дейди саксон ёшли Мирза бобо Пардаев. — Уни маҳалламизга оқсоқол этиб сайлаганимизга ўн йил бўлди-ёв. Чунки у одамларни, уларнинг истак-уйи, турмуш шароитини яхши билди. Қўлидан келган ёрдамни аямайди. Лозим бўлса, уларни деб юқори идораларга боради. Қолаверса, ўзи ҳам ҳуқуқшунос.

Айниқса, тўй-маъракаларнинг ихчам, камҳаражат ўтказилиши ҳамманинг кўнглидаги иш бўлди. Яна аждодларимизнинг хоки туроби ётган қабристонни овод қилишдаги хизматлари таҳсинга лойиқ.

— Сайфулла ака яхшигина боғ-

бон, — дейди тўқбойлик Аҳмад Дўстмуродов. — Унинг боғлари бор. Акамиз фурсат топди дегунча, дарахт ва тоқларга қарашни, ерга ишлов беришни уш қўради. Ҳар йили мўл ҳосил олади. Даромади ҳам шунга яраша. Меҳнатининг орқасидан тўйлар қилди, машинали бўлди, иморат тиклади.

Субҳидам.

Сайфулла аканинг дарвозасини кимдир қокди. Уй эгаси эшикни очди. Қишлоқдоши экан, тўйга айтгани келибди.

Оқсоқол йўлга отланди...

Ўрлоб ҚОБИЛ Қамаш тумани

Ўтганларнинг охирати овод бўлсин

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси жисмоний тарбия ва спорт жамияти Марказий кенгаши жамоаси ташкилий ишлар бўлими бош мутахассиси Ш. Акбарбековага волидаи муҳтарамаси МАВЖУДА аянинг вафот этганини муносабати билан чуқур ҳамдардик изҳор қилади.

Advertisement for 'Insonga naf keltirish' (Beneficial to people) featuring 'Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi' and 'Bosh muharrir: Abduxoliq Abdurazzoqov'. It lists various services and contact information for the organization.